# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 20 ноябрь, № 245 (7747) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни қурилиш соҳасига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Маълумки, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини реконструкция қилиш ва кенгайтириш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида бу ишларни ҳар томонлама чуқур ўйлаб лойиҳалаштириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу асосда лойиҳа қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди. Унга кўра, катта масжид, тўртта минора ва кенг айвонлар қуриш, хиёбон, унинг атрофида меҳмонхоналар ҳамда бошқа инфратузилма объектлари барпо этиш кўзда тутилган.

Президентимиз тақдимот билан танишар экан, зиёратчи ва бошқа сайёҳлар учун қулайликларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев тақдимот чоғида мажмуани жаҳон андозалари даражасида сифатли қуриш, зиёратчиларга қулайликларни ошириш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат санъат музейининг янги биноси лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси буюртмаси билан дунёга машҳур япон меъмори Тадао Андо томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ, музейнинг мавжуд биноси ёнида айлана шаклида 3 қаватли янги иншоот қад кўтариши кўзда тутилган.

Бу қурилишнинг аҳамияти шундаки, музейнинг ҳозирги шароити билан мавжуд экспонатларнинг бор-йўғи 3 фоизини намойишга қўйиш мумкин. Янги иморат қурилгач, ушбу санъат даргоҳининг кўргазма майдони кенгаяди.

Музей биносини реконструкция қилиш лойиҳаси объектнинг тарихий қиймати ва яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда, меъморчиликдаги замонавий тенденцияларни ҳамда бугунги куннинг ижтимоий архитектурасини акс эттиради, пойтахтимиз кўркига кўрк қўшади.

Давлатимиз раҳбари 16 октябрь куни Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрганида бу ерда соҳа кластери ташкил этиш, ҳудудни қурувчилар массивига айлантириш лозимлиги юзасидан топшириқлар берилган эди. Шу мақсадда институт атрофидаги майдонлар ҳам қўшилиб, янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

Унга кўра, олий таълим муассасаси ёнида қурилиш коллежи, қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази, лаборатория, ётоқхоналар, спорт мажмуаси ва бошқа объектлар барпо этилиши мўлжалланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайди. Айниқса, кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолининг энг муҳим талаби қондирилмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу каби ишлар режалаштирилган. Хусусан, Термиз шаҳрининг Беруний кўчасида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, масжид, меҳмонхона, тураржойлар, маҳалла гузари ва кўплаб тадбиркорлик субъектлари жойлашган. Мазкур марказий кўчанинг янги лойиҳасига кўра, реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилади. Денов туманининг Нурли манзил ва Лочин маҳаллаларида энергиятежамкор кўп қаватли уйлар, ижтимоий муассасалар барпо этилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари шу йил 12 июнь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида бўлиб, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, Тошкент туманининг бир қисмини Олмазор туманига ўтказиб, янги тураржойлар ва корхоналар барпо этиш таклиф қилинганди.

Тақдим этилган лойиҳага биноан, 200 гектардан зиёд ушбу ҳудудда 150 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, мактаб, болалар боғчаси, истироҳат боғи, тижорат зонаси қурилиши кўзда тутилган.

Яна бир лойиҳа пойтахтимиздаги "Наврўз" қабуллар уйидан самарали фойдаланишга оид. Ушбу мажмуани капитал таъмирлаб, Давлат иштирокидаги корхоналарни соғломлаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш маркази ташкил этиш режалаштирилган. Бу ерда тадбиркорларга маълумотлар очиқ ва шаффоф тарзда тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги "Темурбеклар мактаби" қурилишига доир тақдимот билан ҳам танишди ва зарур кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

# ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

*Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзуси Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева, Америка Қўшма Штатларининг Одам савдосини мониторинг қилиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги элчиси Ж. Ричмонд ҳамда вазир ёрдамчисининг ўринбосари М. Миттельхаузер иштирок этган видеоконференцияда муҳим мавзуга айланди.*

## Ҳамкорлик

Кейинги йилларда бу борада Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги мулоқотда ўзаро тушуниш ҳамда ишончга эришилганлиги қайд этилди. Бунда 2017 — 2021 йилларда ривожланиш стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар муҳим роль ўйнади.

Жумладан, шу йилнинг ўзида мамлакатимизда 17 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва Жиноят кодексига тегишли қонунлар билан болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Халқаро стандартларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

➔ 2

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚАНДАЙ КАФОЛАТЛАНМОҚДА?

*Конституциямизда аёллар қадр-қиммати, ҳуқуқлари ҳимояси бўйича инсоний меъёрлар белгиланган.*

*Хўш, бугун уларнинг ҳаётимиздаги рўёби қандай?*

Алоҳида қайд этиш керак, бугунги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланган.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлларнинг барча соҳадаги самарали меҳнати, айниқса, оила, фарзандлар тарбиясидаги бетимсол хизматини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди.




Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 46-моддасида хотин-қизлар ҳамда эркаклар тенг ҳуқуқли эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатимиз Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилган.

Ўтган тўрт йилда юртимизда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтиришга доир 15 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилган. Хусусан, ўтган йили иккита муҳим ҳужжат — "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

➔ 2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бугун, 20 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН:**

- **"Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги;**
- **"Ўзбекистон Касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида"ги;**
- **"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги;**
- **"Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги;**
- **"Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги;**
- **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар кўриб чиқилади.**

***Шунингдек,***

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил тўққиз ойи давомида Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади.**

***Қолаверса,***

**Республикадаги махсус иқтисодий зоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қабул қилинаётган чоралар тўғрисида;**

**Никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш самарадорлигини ошириш тўғрисида;**

**Мамлакатимизда тошқинлар, сел оқимлари, кўчки хавфи мавжуд тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари ва иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровларини юбориш кўзда тутилган.**

**Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўровлари натижалари муҳокама қилиниши ва бошқа масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИМИ, АЛБАТТА, ҲАЁТДА ЎЗГАРИШ БЎЛИШИ КЕРАК

*Қонун лойиҳаларини, энг аввало, халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таҳлилий-танқидий кўриб чиқиш уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, мукаммал бўлишини, энг муҳими, ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонун қабул қилиндими, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак, одамлар уни турмушида, яшаш тарзида ҳис қилиши лозим.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини ана шу нуқтаи назардан атрофлича кўриб чиқди.*

## Маданият ташкилотлари вазифалари очиқланди

Депутатлар кун тартибига янги ном билан кирган — "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, мазкур лойиҳа биринчи ўқишда "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси сифатида концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унинг мазмун-моҳиятига кўра, маданият соҳасидаги фаолият ва маданият ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилгани сабабли лойиҳанинг номланишига ўзгартиш киритилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамаларида аксарият депутатлардан тушган савол "нега маданий фаолият деб ўзгартирилди?" мазмунида бўлди. Маданий фаолият — инсониятнинг маънавий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият ҳисобланади. Ўз ўрнида, маънавий-эстетик эҳтиёжлар маданият соҳасига тегишли бўлган санъат асарлари, маданий бойликлар, амалий санъат асарларининг мазмун-моҳиятидан олинган таассурот ва тасаввурлар орқали ўз ечимини топади. Бу эса аҳолининг маънавий-эстетик эҳтиёжларини қондира олиши учун қулай шароит яратиш, хусусан, маданий тадбирлар ўтказиш, ижодкорларни ҳамда ижодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, маданий бойликларни сақлаш, тарғиб этиш ва ўзлаштириш айнан маданият ташкилотларининг вазифасидир.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан давлат маданият муассасалари ва ташкилотларига маданият ҳамда санъат соҳасидаги ютуқлари учун Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан Президент томонидан "Миллий" ёки "Академик" мақоми берилиши белгиланяпти.

➔ 2







## Бугуннинг гапи

*Куни кеча ёққан биринчи қор табиат гўзаллигига ошуфта дилларга бир олам қувонч бахш этгани, шубҳасиз. Илк қорни, айниқса, болажонлар интиқлик билан кутади. Шу боис кенг майдонларда кўплашиб қорбобо ясаётган, қувалашиб қорбўрон ўйнаётган болажонларнинг қувончи оламга сиғмайди...*

*Қор — оппоқ орзулар, қут-барака, поклик, софлик тимсоли. Шу боис ҳам унинг капалаклар мисоли ўйноқлаб учқунлаётганини кўрсак, бунинг оддий табиат ҳодисаси эканлигини билиб турсак ҳам, худди мўъжизага гувоҳ бўлаётгандек орзиқиб термиламиз. Бироқ...*

➔ 4

# ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИМИ, АЛБАТТА, ҲАЁТДА ЎЗГАРИШ БЎЛИШИ КЕРАК



1

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши маданий фаолият, шунингдек, маданият ташкилотлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан моддама-модда кўрилиб, иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### Жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институти жорий этилади

“Жиноят процессига жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишдаги муҳокамасида мазкур ҳужжат билан жиноят ишлари бўйича судларда дастлабки эшитув институти жорий қилинаётгани қайд этилди.

Дастлабки эшитув институтининг жорий қилиниши судга келиб тушган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида тарафларнинг дастлабки эшитувларда қатнаша олишига имкон яратади. Бугунги кунда ушбу босқичда тарафлар иштироки чеклангани сабабли мазкур жараёнда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалаларни (масалан, ишни тугатиш ёки тўхтатиш) судья якка тартибда ҳал қилишга мажбур. Оқибатда судья чекланган маълумотга эга бўлганлиги учун бундай масалалар ҳал этилмасдан қолади ва асосий босқич — умумий суд мажлисига барча иштирокчи чақирилиб, фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келади. Лойиҳа билан бу каби муаммолар бартараф этиляпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноят ишини умумий асосларда кўришга монелик қилаётган сабабларни тезкор бартараф этиш имкониятини берувчи қарорлар қабул қилиш жараёнида тарафларнинг тортишуви принципига сўзсиз риоя этилишига, суд муҳокамаси чоғида фақат мақбул далиллардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

### Меҳнат кодекси лойиҳасида қандай янги нормалар акс этмоқда?

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси юзасидан бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н. Ҳусанов маъруза қилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, 1995 йилда қабул қилинган амалдаги Меҳнат кодексида кўплаб ҳаволаки нормалар мавжудлиги, зарур масалалар аниқ тартибга солинмагани, уни амалиётда қўллашда бир қатор муаммолар юзага келаётганини кўрсатмоқда. Бу эса янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Мажлисда депутатлар Меҳнат кодекси лойиҳасини қабул қилиш учун асослар ва ундан кутилаётган натижаларга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижтимоий соҳа ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш, жумладан, инвестиция муҳитини яхшилаш борасида мамлакатимиз меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгиламоқда.

Бинобарин, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби нормаларни ўз ичига олади.

Ушбу ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири — унда иш берувчи субъектлар сифатида мулкий ва идоравий мансублигидан қатъи назар, ташкилотлар, ёллаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ҳамда жисмоний шахслар белгиланаётганидир. Депутатларнинг фикрича, мазкур қоиданинг белгиланиши ишчи ўринларининг кўпайишига, норасмий секторда фаолият олиб борувчи шахсларнинг қисқаришига ҳамда уларнинг ҳуқуқлари доимий равишда ҳимоя қилинишига олиб келади.

Шу билан бирга, кодекс лойиҳасида меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқ айрим муносабатлар такомиллаштирилмоқда. Хусусан, ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёшга аниқлик киритилиб, ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмайдиган шахс тоифалари кенгайтириляпти. Мамлакатда ёки минтақада фавқулодда ҳолат ёки карантин чоралари эълон қилинганда ходимнинг розилигисиз меҳнат шартномасига ўзгартириш киритиш шартлари, жумладан, мослашувчан қулай режимга ўтиш, тўлиқсиз иш вақти, масофадан туриб ишлаш кабилар белгиланмоқда.

Мажлисда Меҳнат кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши бир қатор имкониятларни юзага чиқариши қайд этилди. Бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда ходимлар ва иш берувчилар манфаатларининг мувозанатини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳамкорликка жалб қилиш, томонлар ўз меҳнатининг натижадорлигига қизиқишини ошириш, кичик бизнес ҳамда якка тадбиркорлик соҳасига меҳнат қонунчилигини татбиқ қилиш шулар жумласидан.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

### Статистик маълумотлар янада шаффоф бўлади

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг барча ижтимоий ва иқтисодий соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳамда янги, очиқ ташқи сиёсат, давлат бошқарувидаги очиқлик ва шаффофлик мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ижобий имижи ҳамда обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Статистик маълумотларнинг шаффофлиги ҳамда объективлиги ҳам шулар жумласидандир.

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, миллий статистика тизими, расмий статистикани ишлаб чиқарувчилар, маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар, респондент ва фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Лойиҳа билан расмий статистика маълумотларининг маъмурий маълумотлардан фарқи, расмий статистикани ишлаб чиқарувчилар тоифалари ва уларнинг профессионал мустақиллиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси асосий ишлаб чиқарувчи ва мамлакатдаги расмий статистика тизимининг мувофиқлаштирувчи органи сифатида белгиланмоқда. Шунингдек, статистика органларининг қонуний фаолиятига, жумладан, расмий статистика ҳисоботларини йиғиш ва кузатувларни ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини нашр этиш ва эълон қилиш жараёнларига ҳеч ким аралашмаслиги, ҳудудий давлат статистика органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил бўлиши ҳамда бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига бўйсуниши белгилаб қўйилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши миллий статистика тизимидаги субъектлар фаолияти учун ҳуқуқий асос бўлади ҳамда халқаро миқёсда расмий статистиканинг тан олинишига институционал замин яратади.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

1

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бир қатор бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, миграция уларнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Мамлакатимиз Халқаро миграция ташкилотига тўлақонли аъзо сифатида қўшилганидан сўнг Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил қилиниши билан бу масала бўйича Миллий маърузачи институти таъсис этилди.

Одам савдосига қарши курашишни кучайтириш бўйича профилактика ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари, шунингдек, аҳоли ўртасида маърифий ишлар олиб борилиши натижасида сўнгги икки йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар деярли икки баравар камайди. Халқаро ҳамжамият билан биргаликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилди. Шу билан бирга, мазкур масала ҳали ҳам давлат сиёсатининг кун тартибидан олиб ташланмагани қайд этилди.

Жон Ричмонд болалар меҳнатига бутунлай барҳам бериш борасидаги ижобий ўзгаришларни ва Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижаларини эътироф этди.

Тадбир давомида миграция, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва бошқа масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Томонлар бу йўналишда ўзаро алоқаларни давом эттиришдан манфаатдор эканини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

**Олий Мажлис Сенати қўмитасида**

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛАДИ



*Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг видеоконференцалоқа тарзидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тўққизинчи ялпи мажлисда кўриб чиқилиши режалаштирилган масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

“Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги қонун шулар жумласидандир.

Унга кўра, бир қатор янгиликлар жорий этиляпти. Хусусан, қонунда биологик материал, геном бўйича давлат рўйхатига олиш, геномга оид ахборот ва унга ишлов бериш, геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаси, одам ДНКсининг судбиологик экспертизаси, шахснинг биологик қариндошлари каби тушунчаларга аниқлик киритилмоқда.

Қолаверса, қонунга мувофиқ геном бўйича давлат рўйхатига олиш ихтиёрий ва мажбурий равишда давлат рўйхатига олиш тарзида амалга оширилиши, геномга оид ахборотни олиш, унга ишлов бериш ҳамда уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари белгиланаётгани тўғрисида сўз юритилди.

Йиғилишда мамлакатимизда тошқин сувлари, сел оқимлари ҳамда кўчки хавфи мавжуд тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари ҳамда иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Аҳоли билан мулоқотлар, уларнинг мурожаатлари, жойлардаги ўрганишлар, тармоққа оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ушбу соҳада ҳали ҳам қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизнинг гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳудудларида истиқомат қилаётган фуқароларни хавфсиз манзилга кўчириш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги сабабли бундай ҳудудлардаги 602 та хўжаликдан 117 таси, уларда истиқомат қилаётган 2 минг 476 фуқародан 624 нафарини хавфсиз ҳудудга доимий яшаш учун кўчириш лозимлиги аниқланган бўлса-да, жорий йилнинг ўн ойи якунига кўра, фақатгина 9 та хўжаликнинг 59 нафар фуқароси доимий яшаш учун хавфсиз гўшаларга кўчирилган, холос. Қолган хўжаликлар эса вақтинчалик яшаш учун хавфсиз ҳудудга кўчирилган. Бу, вақтинчалик кўчирилган фуқаролар хавфли ҳудудга қайтиб бориб яшаётганини англатади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ходимлари томонидан гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари ҳамда иқтисодий объектларни тошқин сувлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисаларидан муҳофаза қилиш мақсадида мутасадди идоралар раҳбарларига киритилган тақдимнома ҳамда кўрсатмаларга юзаки ёндашиш, ижросини тўлиқ таъминланмаслик ҳолатлари мавжуд.

Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ходимлари томонидан 2020 йилда киритилган 41 та кўрсатманинг 6 таси ижроси бажарилмаган, 18 тасининг ижроси эса қисман бажарилган.

Яна бир жиҳат. Дарёлар ва сойлардан ўзбошимчалик билан ноқонуний қум-шағал қазиб олиниши натижасида дарё ва сой ўзанлари чуқурлашиб, сув оқимлари тезлашиб, ўзанлар ўзгариши оқибатида қирғоқлар ювилиши, дамбалар бузилиши, кўприкларнинг таянч устунлари емирилиши кузатилиб, дарё қирғоғига яқин масофада яшовчи аҳоли хонадонлари ва иқтисодиёт объектларига хавф юзага келаётир, автомобиль кўприклари муддатидан олдин авария ҳолатига келиб қолмоқда.

Хусусан, Андижон, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ўзанларидан ноқонуний қум-шағал қазиб олиниши оқибатида 300 га яқин аҳоли хонадонлари учун хавф юзага келган. Қолаверса, тошқин сувлари, сел оқимларидан зарар кўрган маҳаллий йўллардаги ички кўприкларни таъмирлаш, қайта тиклашда муаммолар мавжуд.

Йиғилишда сенаторлар томонидан тошқин сувлари, сел оқимлари ҳамда кўчки хавфи мавжуд тоғ ва тоғолди ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари ҳамда иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚАНДАЙ КАФОЛАТЛАНМОҚДА?

1

Президентимиз бир қатор Фармон ва қарорлари давлат ташкилотларига аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ вазифаларни белгилаб, уларнинг масъулиятини янада оширди. Хусусан, “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

> “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 46-моддасида хотин-қизлар ҳамда эркаклар тенг ҳуқуқли эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатимиз Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги, Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилган.”

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Алоҳида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия фаолияти йўлга қўйилиб, у хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Олий Мажлисга ахборот тақдим этади.

Эндиликда давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланади. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Қонун ижодкорлигига “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизаси”, деган янги институт кириб келди.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда давлат хотин-қизлар ҳамда эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликни, жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни кафолатлаши мустаҳкамлаб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсади этиб гендер тенгликни таъминлаш, барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш белгиланган. Унга кўра, 2030 йилга бориб хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражасида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини, етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур.

Хулоса ўрнида айтганда, Конституциямизда белгиланган аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг қадр-қимматини ошириш бўйича юқоридан қуйигача амалий тизим яратилди. Мана шу янги тизим самарали ишлаши учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур.

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**



**Сана**

***Бугун — Бутунжаҳон болалар куни. Ушбу сана 1954 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган ва ёш авлоднинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун дунё ҳамжамияти эътиборини жалб қилишга қаратилган.***

# ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИГА АЙЛАНГАН СОҲА

*Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция инсон ҳуқуқлари тарихидаги энг муҳим ҳужжатлардан биридир. Унга кўра, болани ҳимоя қилиш ва улар ҳуқуқларининг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мамлакатларнинг устувор йўналишларига айланди. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бунинг ёрқин намунаси.*

Ушбу санадан эътиборан, бола ҳуқуқлари дунёнинг қайси минтақасида бузилмасин, уни ҳимоя қилиш борасида халқаро имконият вужудга келди. Конвенция бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари мустаҳкамланган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Амалдаги конвенция бир қанча жиҳатлари билан муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, конвенцияда илк бор “бола” тушунчаси ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинган. Бу ҳуқуқ субъектига болалардан ташқари, вояга етмаганлар ҳам киради. Ҳужжат вояга етмаганларнинг халқаро ҳуқуқий мақомини шакллантирди. Шунга кўра, боланинг ҳуқуқ ва эркинлик доираси кенгайтирилди. Энг муҳими, унда шафқатсиз қийноқ ҳамда куролли тўқнашувлар қурбони бўлган, шунингдек, қонунни бузган ва муомалага лаёқатсиз болаларнинг юридик ҳимояси назарда тутилган.

Ўзбекистон Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга 1992 йилда қўшилган ва унда кўрсатилганидек болаларнинг барча ҳуқуқини ҳурмат қилиш, таъминлаш ҳамда ҳимоялаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Янги Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотлар 2016 йилда айнан “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун имзоланиши билан бошланди.

Мамлакатимизда болалар ва ёшлар фаолиятига доир жами 40 дан ортиқ қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари асосида болалар ва ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ҳамда ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишнинг ҳуқуқий механизми яратилган.

Соҳадаги ислоҳотларни мувофиқлаштириб бориш мақсадида мамлакатимизда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий қилинди ҳамда унинг ҳузурида Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши тузилди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини бажариш стратегияси ва бола ҳуқуқлари масалалари бўйича бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида бола ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари масалалари бўйича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашиш каби кўпгина муҳим вазифаларни амалга оширади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш учун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўлида катта ишларни амалга оширмоқда. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Умуман айтганда, бугунги кунда юртимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос миллий-ҳуқуқий тизим шаклланган бўлиб, айни пайтда мамлакатимиз бу йўлда дадил қадам ташлаётган давлатлардан биридир.

Шу боис бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий, ташкилий шароитлар ҳамда кафолатлар яратиш юртимиз давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## Миллий парламентимизнинг «ақлий маркази» иш жараёнида янги импульс:

# ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

**... Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилган. Бу институт қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

*Миллий парламентлар иш самарадорлиги, парламент аъзолари саъй-ҳаракатининг сифат кўрсаткичлари, парламент томонидан қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг мукаммаллиги, уларда халқнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ифода этилиши парламентга илмий тадқиқот ҳамда экспертлик хизматини кўрсатувчи “ақлий марказ”лар ишининг натижадорлигига бевосита боғлиқдир.*

*2017 йилнинг 22 декабрида Президентимиз Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Олий Мажлисга келаётган турли таклифларни чуқур таҳлил қиладиган, таъбир жоиз бўлса, элакдан ўтказадиган илмий марказ бўлиши лозим”, дея таъкидлаган эди.*

*Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори асосида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтига асос солинди.*



## Таҳлил

### Аҳоли манфаатлари акс этадиган професcионал илмий тадқиқот хизмати йўлга қўйилмоқда

Институт ўз фаолиятида Олий Мажлис палаталарига ҳисобдор бўлган давлат илмий-тадқиқот эксперт муассасаси ҳисобланади. Институтнинг ташкил этилганига эндигина икки ярим йил тўлган бўлса-да, шу қисқа вақт мобайнида институт янги таклифлар ва ташаббусларни илгари сурувчи, қонунчилик жараёнига замонавий инновацияларни жорий этувчи тузилма сифатида танилмоқда.

Пировардида, институт бугун оддийгина илмий хизмат кўрсатувчи тадқиқот маркази ёки муассаса эмас, аксинча, қонунчилик жараёнидаги муҳим тузилма мавқеига эга бўлиб боряпти.

Шу ўринда, институт фаолияти халқ манфаатларидан келиб чиқиб ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, сўнгги уч ярим йилликда мамлакатимиз ҳаётида халққа қулайликларни яратиш, амалдаги эски тартибларни бекор қилиш, халқчил қонунларни ишлаб чиқиш, халқ билан бевосита мулоқотда бўлиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётир.

Шундай экан, ислоҳотларнинг моҳияти ва ўзгаришлар жараёнига монанд бўлган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга институт жамоаси томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, аввало, халқнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, Бош қомусимиз, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган бешта йўналишнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ҳамда вазифаларда назарда тутилган эзгу мақсадларга эътибор қаратади.

### Ахборот-таҳлил мукаммаллиги сари

Ўтган даврдаги фаолияти давомида институт томонидан 138 та қонун лойиҳаси юзасидан илмий асослантирилган хулосалар ва таклифлар, Олий Мажлис палаталарининг 20 дан зиёд қарор лойиҳалари, 350 та ахборот-таҳлилий маълумотлар, шундан 190 дан ортиғи парламент палаталари қўмиталари ҳамда комиссиялари, депутатлар ва сенаторларнинг сўровларига кўра тайёрлаб, тақдим этилди.

Хусусан, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги, “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги, “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги, “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ҳамда бошқа қонун лойиҳаларига илмий хулосалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида институт томонидан “Электрон парламент” тизимини янада ривожлантириш, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга мослигини ўрганиш амалиётини жорий этиш, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сўровини юбориш тартибини мукаммаллаштириш каби масалалар юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрланди.

Бундан ташқари, депутатлар ва сенаторлар фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида “Парламент назорати схемаларда”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақоми”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг ҳуқуқий мақоми”, “Сайловлар, сайловларни бошқариш ва сайлов кампаниясини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари савол-жавобларда” номли амалий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

### Халқ ташаббуслари парламент минбаридан янграмоқда

Бугун одамлар ўзларини қийнаётган муаммо ва долзарб деб ҳисоблаган масалалар бўйича қонунчиликка ўз таклиф ҳамда ташаббусларини эркин билдираётир. Қувонарлиси шундаки, улар жўнатган таклифлар қонунчиликда ўз аксини топмоқда.

Президентимизнинг қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш мақсадида интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиш бўйича билдирган ташаббуси асосида 2018 йил 20 апрелда “Mening fikrim” веб-портали ишга туширилиб, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти унга модератор этиб белгиланди.

Бугун замон ўзгарди. Тан олиш керакки, норма ижодкорлиги жараёнида аввалги мураккаб тизимдан халқ учун очиқ ва содда бўлган жараёнга ўтилди. Бу борада сўз юритилганда, “Mening fikrim” веб-портали фаолиятини алоҳида қайд этиш ўринли.

Хусусан, ўтган давр давомида веб-порталга фуқаролар томонидан 4 минг 100 га яқин электрон жамоавий мурожаатлар келиб тушди. Улардан савдо ва уй-жой хўжалиги, қонунчилик, маданият ҳамда спорт, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, тадбиркорлик, туризм, экология каби соҳаларга оид 400 дан зиёд жамоавий мурожаатлар веб-порталга оммавий овоз йиғиш учун жойлаштирилди. 22 та жамоавий мурожаат етарли овоз тўплади. Уларнинг 12 таси бўйича Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, “Автотранспорт воситасидан фойдаланишда яқин қариндошлар учун ишончнома олиш тизимини бекор қилиш ҳақида”ги, “Қарши давлат университетининг Шаҳрисабз филиалини ташкил қилиш ҳақида”ги, “Шаҳар ва қишлоқлар ҳудудларида дарахтларни муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ қилиш ҳақида”ги, “Вақтни тескари ҳисобловчи светофорларни ўрнатиш ҳақида”ги ҳамда “Шахсий транспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга рухсат бериш ҳақида”ги мурожаатлар шулар сирасига киради.

> “Ўтган даврдаги фаолияти давомида институт томонидан 138 та қонун лойиҳаси юзасидан илмий асослантирилган хулосалар ва таклифлар, Олий Мажлис палаталарининг 20 дан зиёд қарор лойиҳалари, 350 та ахборот-таҳлилий маълумотлар, шундан 190 дан ортиғи парламент палаталари қўмиталари ҳамда комиссиялари, депутатлар ва сенаторларнинг сўровларига кўра тайёрлаб, тақдим этилди.”

Шунингдек, веб-порталда фуқаролар томонидан 27 мингдан зиёд турли фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Бугун халқимизнинг парламентга ишончи ортиб, депутат ҳамда сенаторларга бўлган муносабати ўзгариб бораётганлиги, шу билан биргаликда, халқ вакилларининг ҳам одамлар дардига малҳам бўлишдек ва жамият равнақи йўлида хизмат қилишдек олий мақсадлар билан яшаётганлигининг гувоҳимиз. Айни пайтда мазкур ҳолат институт ходимларининг ҳам чинакам ҳаётий мезонига айланмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таърифи билан айтганда, қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим.

### Халқаро алоқалар — самарадорлик асоси

Бугунги кунда фаолият самарадорлигини таъминловчи муҳим мезонлардан бири, бу — ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириб бориш.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Шимолий Ирландия Ассамблеяси Тадқиқот хизмати, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Тадқиқот маркази, Туркия Буюк миллат мажлиси Тадқиқотлар бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши девонининг Илмий-тадқиқот маркази, Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Фридрих Эберт номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Вестминстер Демократия фонди ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Бугунги кунда COVID-19 пандемияси шароитидан келиб чиққан ҳолда институт жамоаси халқаро ҳамкорлик жараёнида рақамли технологияларнинг имкониятларидан унумли фойдаланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўн ойи давомида институт томонидан 10 дан зиёд халқаро конференциялар, илмий-амалий семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди, нуфузли халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари билан видеоконференцалоқа тартибида ўзаро манфаатли учрашувлар ўтказилди.

Ҳар бир учрашув амалий аҳамият касб этишига институт томонидан алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда, ҳозирги кунда институт томонидан халқаро ҳамкорлар билан биргаликда мамлакатимиз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда долзарб ва аҳамиятга молик бўлган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2021 йилга мўлжалланган истиқболли режалар ишлаб чиқилмоқда.

### Фаолият такомили — муваффақиятлар гарови

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 20 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқида “Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим” деб таъкидлаган эди.

Шу сабабли Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги тегишли Фармони 33-банди ҳамда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 12-бандида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг 2020 йил 25 сентябрдаги қўшма қарори билан Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

*Қўшма қарор билан институтга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига ҳамоҳанг тарзда бешта устувор вазифа белгилаб берилди. Хусусан, институт:*

*— қонунчилик муаммоларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, қонун ижодкорлигининг илмий асосларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилинган қонунларнинг амалдаги таъсирини ўрганиш;*

*— Олий Мажлис палаталари, депутатлар ва сенаторлар фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг профессионаллик даражасини оширишга кўмаклашиш;*

*— ҳуқуқ, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни ривожлантиришнинг илмий концепцияларини ишлаб чиқиш;*

*— парламентаризм, халқаро парламентлараро ташкилотлар ва хорижий парламентлар иш тажрибасини ўрганиш натижалари асосида Олий Мажлис палаталарининг фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;*

*— миллий қонунчиликнинг халқаро нормалар ҳамда стандартларга мувофиқлигини ўрганиш, уларни имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини ўрганиб бориш каби муҳим масалалар устувор вазифалар сифатида белгиланди.*

Юртбошимиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари юзасидан институтнинг илмий хулосасини олиш амалиётини жорий этиш вазифаси ҳам назарда тутилди. Шу боис институт қуйи палатага келиб тушган қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва меъёрлар доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш орқали амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Қонун ижодкорлиги жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш мақсадида институт қошида Илмий-эксперт кенгашини ташкил қилиш белгиланган бўлиб, ҳозирда унинг таркибига етук олимларни, амалиётчиларни, тадбиркорлик субъектларининг, фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини жалб этиш борасида ишлар амалга ошириляпти.

Шунингдек, институт тузилмасида БМТнинг ва ушбу ташкилот Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш назарда тутилган. Марказнинг институт тузилмасида бўлиши унинг нуфузини янада ошириш баробарида, катта масъулият юклаши, шубҳасиз.

Қолаверса, институт муассислигида қонунчилик муаммолари ва норма ижодкорлиги соҳасида илмий-амалий тадқиқот материаллари, илмий мақолалар, миллий ҳамда хорижий қонунчиликнинг қиёсий таҳлили мунтазам равишда эълон қилиниб бориладиган “Қонунчилик муаммолари ахборотномаси” даврий нашрини ташкил этиш белгиланди.

Умуман, институт фаолиятининг такомиллаштирилиши Олий Мажлис палаталари, депутатлар ва сенаторлар фаолиятини илмий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг профессионаллик даражасини оширишга кўмаклашиш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан такомиллаштиришга, парламент “ақлий маркази”нинг фаолияти янада ривожланишига хизмат қилади.

**Фозилжон ОТАХОНОВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори.**

---

## БИЗ ва ЖАҲОН

**«Халқ сўзи» учун махсус**

*Мамлакатимизда “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси доирасида Ҳиндистон музейлари ва кутубхоналарида сақланаётган экспонатлар ҳамда қўлёзмаларга бағишланган иккита альбом нашрга тайёрланмоқда.*

*Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг катта илмий ходими Дилором Каромат “Дунё” АА мухбирига Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги тил ҳамда маданият соҳаларига оид кўп асрлик ришталар тарихи ҳақида сўзлаб берди.*

# ҲИНДИСТОНДАГИ ТУРКИЙЧА ҚЎЛЁЗМАЛАР ЎЗ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

— Чет эл коллекцияларида сақланаётган Ўзбекистон маданий меросига қизиқиш тобора ортиб бормоқда, — дейди эксперт. — Республика раҳбарияти ушбу бебаҳо мерос намуналарини излаб топиш, ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЭОАВМА) “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси доирасида ушбу йўналишда тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Ҳиндистон музейлари ва кутубхоналарида ўзбек халқи тарихига оид бебаҳо асарлар сақланиб келинаётган давлатлардан биридир. ЭОАВМА ушбу мамлакатда мавжуд артефакт ҳамда қўлёзмаларга бағишланган иккита альбом тайёрламоқда.

XX аср ўрталарида ўзбек олимларининг Ҳиндистонда сақланаётган туркий ва форс тилларидаги қўлёзмаларни ўрганишга бўлган қизиқиши фаоллашган. Бироқ мустақилликка қадар ўзбек тадқиқотчилари чет элдаги материалларни чуқур ўрганиш имкониятига эга эмас эди.

Бундан 25 йил аввал Ҳиндистондаги миллий меросимиз намуналарини ўрганиш билан шуғулланишни бошлаш бахтига муяссар бўлдим. 1994 йил Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги Худо Бахш кутубхонаси директори, доктор А. Бедар менга Ҳиндистонда чиғатой (эски ўзбек) тилида битилган бир нечта луғатни ўрганиш ва нашрга тайёрлашни таклиф қилди. Ушбу кутубхона тадқиқотчиси сифатида уч йил давомида Калькутта, Ҳайдаробод, Сикандробод, Алигарх, Рампур ҳамда Лакнов шаҳарларининг машҳур кутубхоналарида бўлдим.

Ҳиндистон хазиналарида сақланаётган туркийча қўлёзмаларни ўрганиш ғояси доктор А. Бедарда кутубхонада илмий фаолиятимни бошлашимдан анча олдин пайдо бўлган экан. 1993 йили Худо Бахш кутубхонаси ҳамда унинг ташаббуси билан доктор Ата Хуршид томонидан тузилган “Алигарҳ мусулмон университети кутубхонасининг ўзбек тилидаги қўлёзмалари” номли кичик каталог урду тилида нашр этилган.

Бироқ изланишлар ушбу кутубхонадаги баъзи қўлёзмалар каталогга киритилмаганини кўрсатди. Кейинчалик, 1996 йили туркиялик тадқиқотчи Али Фуат Билкан Ҳиндистондаги туркийча қўлёзмалар мавзуида докторлик диссертациясини ёзди. У ўз тадқиқотлари ҳақида Туркиянинг “Турк дили” журналида мақола эълон қилади. А. Билкан турли йўналишлардаги 61 та қўлёзма рўйхатини келтирган.

Бироқ биз олиб борган тадқиқотлар Ҳиндистондаги туркийча қўлёзма нусхалари бундан ҳам кўплиги ва улар ўз тадқиқотчиларини кутаётганини кўрсатди. Шу маънода чиғатой (эски ўзбек)ча-форсча, шунингдек, тўрт-олти тилдаги (масалан, форс, араб, туркий, пушту, ҳинд, кашмири) луғатлар жуда катта қизиқиш уйғотади.

Ҳиндистонда луғат ёзиш анъанаси икки минг йиллик тарихга эга. Шунингдек, форс тилидаги энг яхши луғатлар айнан ҳинд тупроғида яратилгани кўпчиликка маълум. Улар орасида бизнинг минтақамизда “Баҳори ажам”, “Бурхони қоте”, “Ғиёс ул-луғот” каби луғатлар энг оммабоп ҳисобланади.

Одатда, Ҳиндистонда форс тилида тузилган луғатларга жуда кўп туркийча сўзлар киритилган, улар ҳаттоки алоҳида боб ҳамда параграфларга ажратилган. Бунда “Зафангўя ва жаҳонпўя” ҳамда “Муайид ал-фузала” луғатларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Туркийча луғатлар битилиши, айниқса, бобурийлар сулоласи ҳукмдорларидан бири — Аврангзеб (1658 — 1707 йиллар) даврида янада фаоллашган. Унинг ўғли Муҳаммадшоҳ учун бир нечта ана шундай луғат ёзилган. Улар орасида Такибегнинг “Фарҳанги туркий”, Муҳаммад Мўминнинг “Луғати туркий”, Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома”, Фазлуллахон Барлоснинг “Фарҳанги луғати туркий” китоблари бор. Шубҳасиз, туркийча луғатларни ёзиш бўйича олиб борилган кенг қўламли ишлар, асосан, Ҳиндистонда туркий тилнинг анъаналарини сақлаб қолиш истаги, баъзи сиёсий доиралар ва тил ўрганишни истаганларга туркий тилдаги адабиёт билан танишишига кўмаклашиш билан боғлиқ эди.

> Ҳиндистонда битилган туркийча луғатлар орасида Хаёлийнинг “Нодир ат-таркиб” асари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унда туркийча сўзларга маҳаллий урду тилида изоҳ берилган. Бу туркий лексикографияда янги қадам. Айнан ҳинд тупроғида анъанавий туркийча-форсча луғатлар уч ёки ундан кўпроқ тиллардаги луғатларга айлана бошлади. Бундай луғатларда сўзларга иккита асосий тилдан ташқари учинчи (масалан, ҳинд) тилда тушунтиришлар берилган. Амирхоннинг “Таълифи ал-амир” ва ҳинд шоири Мирзо Қатилнинг “Рисолаи забони туркий” асарларида ушбу усулдан кенг фойдаланилган.

Ҳиндистондан топилган қўлёзмалар мамлакат аҳолиси Алишер Навоий ва Фузулий шеърлари, диний адабиётлар (Қуръон карим, ҳадислар, сўфий рисолалар), тарих, тиббиёт ҳамда жуғрофия мавзуларидаги китобларнинг туркий тилда ҳам ўқиганини кўрсатмоқда. Аммо йигирманчи асрнинг бошларига келиб Марказий ва Кичик Осиёдан келган туркийларнинг авлодлари кўп миллатли ҳинд жамиятига сингиб кетиб, ўз она тилини йўқотади.

Ҳиндистондаги туркийча луғатларни ўрганиш борасида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, улар туркий (эски ўзбек) тилининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини ўрганишда муҳим босқичга айланиши мумкин. Бир нечта қўлёзма луғат Ҳиндистонда нашрга тайёрланиб, чоп этилди. Бироқ ҳинд тупроғида Марказий Осиёдан келиб қолган мутафаккирлар томонидан ёзилган наср ҳамда шеърият намуналари ҳали ҳам ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

**«Дунё» АА.**

---

# «ТЎРТ ЮЛДУЗЛИ» МЕҲМОНХОНА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

*Навоий шаҳрида “тўрт юлдузли” меҳмонхона қад ростлади. 105 та хона ва 230 ўриндан иборат мазкур объектнинг қурилиш ишлари икки йил аввал бошланган эди. Тадбиркор Жўрабек Холиқовнинг таъкидлашича, бинонинг қурилиш-монтаж ишларига 64,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.*

## Қулайлик



Замон талабидаги шаҳарсозлик ҳамда Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган ушбу иншоот нафақат шаҳар кўркига кўрк қўшди, балки бу билан 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

“Tinchlik Plaza hotel” номи берилган мазкур меҳмонхонада имконияти чекланган меҳмонлар учун алоҳида қулайликлар яратилган.

Камалакнинг етти рангида шуъла таратувчи мусиқий фаввора, 4 та ресторан, замонавий SPA-маркази ҳамда ирланд усулида таъмирланган “PUB”, фитнес клуб, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, фитобар ҳар бир меҳмоннинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлайди.

Мажмуанинг тақдимот маросимида вилоят ҳокими Қ. Турсунов Навоийда туризмни ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 142 миллиард сўмлик 32 та лойиҳа амалга оширилаётганини таъкидлади.




**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МИЛЛИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ФИНЛЯНДИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИНМОҚДА

*Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида тегишли вазирлик ҳамда идораларга 2021 йилнинг 1 мартига қадар малакали педагог, илмий ходимлар, психолог ва хорижий экспертларни, жумладан, Финляндиянинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.*

## Фармон ва ижро

Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Куни кеча инспекция раҳбари Улуғбек Тошкенбоев ва Финляндия Таълим сифатини баҳолаш маркази директори, профессор Ристо Хотулайнен ўртасида ўтказилган онлайн учрашув ҳам бу борадаги амалий ишлардан бири бўлди.

Онлайн учрашувда таълим тизимини ривожлантириш ҳар қандай мамлакат тараққиётининг таянч омилларидан бири эканлиги таъкидланди.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбари Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида мамлакатда интеллектуал ҳамда маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ҳамда стандартларини оптималлаштиришга алоҳида аҳамият берилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда халқаро ҳамкорликка, жумладан, Финляндиянинг илғор тажрибасини ўрганишга эътибор қаратиляпти.

Профессор Ристо Хотулайнен Ўзбекистонда ёш авлод камолоти йўлида олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бераркан, улар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутишини қайд этди. Бу борада кенг кўламли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилаётганидан ғоят мамнун эканини таъкидлади. У ўз нутқида Финляндия таълим соҳаси, миллий баҳолаш тизими, халқаро баҳолаш дастурларида иштироки ҳақида тўхталиб ўтди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Ристо Хотулайнен узоқ йиллардан бери Хельсинки университети педагогика фанлари факультетида профессор, Таълим сифатини баҳолаш марказида директор лавозимида ишлаб келмоқда. Бундан ташқари, Финляндия Миллий ўқув дастурларини ишлаб чиқишда эксперт сифатида қатнашган, ҳозирги кунда ўқув қўлланма сифатида фойдаланилаётган "Финляндия таълим архитектураси" китоби муаллифи ва Хельсинки университети номидан ПИСА халқаро баҳолаш дастури миллий бошқарувчиси ҳисобланади.

**«Халқ сўзи».**




*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

1

### Хонадонларимиз чароғонлиги — қалбларимиз нурафшонлиги

"Аҳман музи даҳмондай бўлса ҳам қўрқма, кузнинг музи кўзгудай бўлса ҳам қўрқ", дейди донишманд халқимиз. Кеч кузакда фавқулодда ёққан қорнинг қувонч билан бирга турли ташвишларни бошлаб келиши ҳам бор гап. Охирига етмай қолган дала ишлари, совуққа тўла ҳозирланмаган ижтимоий-маиший объектлар ёки кўчаларнинг музлаши оқибатида юз берадиган кўнгилсизликлар...

Ана шундай муаммоларнинг юзага келмаслигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ёз фаслидаёқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган эди. Президентимиз раислигида шу йилнинг 17 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Ҳудудларда куз-қиш мавсумига ҳозирлик ишларини ташкил этиш ва амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланиб, вазифалар белгиланди.

17 та вазирлик ва идоралар вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳлар томонидан 20 августдан бошлаб тасдиқланган жадвал бўйича ҳудудларга чиққан 8 та йўналиш кесимида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ўрганилмоқда ҳамда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Хусусан, кўп квартирали уйларни ва ижтимоий соҳа объектларини ҳамда иссиқлик, ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ таъминоти тизимларини мавсумга тайёрлаш, аҳолига кўмир, суюлтирилган газ етказиб бериш, озиқ-овқат таъминоти захираларини яратиш каби муҳим масалаларда аниқланган муаммолар бартараф этилмоқда.

Шунга қарамай, юртимизнинг чекка ҳудудларида, олис овул ва қишлоқларда электр энергияси таъминотида узилишлар рўй бераётгани бу борадаги ишларни, берилган топшириқлар ижросини янада жадаллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Зеро, хонадонларимизнинг чароғонлиги қалбларимизни ҳам нурафшон этиши айни ҳақиқат.

### Бекатлардаги интизор нигоҳлар...

"Ўзгидромет" маълумотларига кўра, бугун Шимоли-Шарқдан секундига 3 — 8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11 — 13, кундузи 0 — 2 даража совуқ бўлади.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шимоли-Шарқдан секундига 7 — 12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15 — 20, кундузи 8 — 13 даража совуқ бўлади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёғингарчилик ва об-ҳавонинг кескин ўзгариши туфайли юртдошларимизни эҳтиёт чораларини кўришга чақирмоқда. Жумладан, йўллар музлаши боис ҳайдовчилардан заруратсиз автомашинани бошқармасликлари сўраляпти.

Ноқулай об-ҳаво сабаб пойтахтимиздан вилоятларга қатновчи автобуслар ҳаракати тўхтатилди...

Лекин ҳаёт давом этади. Одамлар ишга, ўқишга бориши керак. Бу эса хавфсиз транспорт хизматига талабни янада оширмоқда.

Кузатувларимизда шу аниқ бўлдики, кўчалар музлагани боис тирбандликлар юзага келмоқда, автобуслар ўз вақтида ҳаракатланмаётгани сабабли жамоат транспортларида оёқ босишга жой йўқ. Ана шундай мураккаб ҳолатдан кўпроқ фойдаланиб қолишга уринаётган "уддабурон"ларга нима дейсиз?! Айниқса, такси хизмати нархи икки-уч баравар ошиб кетди. Бу эса юртдошларимизда ҳақли эътирозларни туғдирмоқда.

"Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти фуқароларнинг шахсий транспортларидан фойдаланмасликларини тавсия этган ҳолда, жамоат транспорти (автобуслар) сони имкон қадар кўпайтирилаётганини маълум қилган.

Аммо бекатларда автобус кутаётган ғуж-ғуж йўловчиларнинг интизор нигоҳлари мутасаддиларни вазиятга жиддий ёндашиб, йўналишларни таҳлилий ўрганиб, янада самарали чора-тадбирларни кўришга ундайди, деб ишонамиз.

### «Сохта ўт ўчирувчи ва мўри тозаловчиларга алданиб қолманг!»

Барчамизга аёнки, куз-қиш мавсуми келиши билан аҳолининг газ, кўмир ва бошқа муқобил ёқилғи турларидан фойдаланишга эҳтиёжи кескин ортади.

Табиийки, бундай шароитда ёнғиннинг олдини олиш бўйича одамларга маслаҳат берувчи ва пуллик хизматлар кўрсатувчи "учарлар" ҳам кўпайиши турган гап.

Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлимининг хабар беришича, одамларнинг ишончига кириб, ўзларини "ўт ўчирувчи ва мўри тозаловчилар" деб таништириб, хонадонларда фуқароларнинг пулларини ўзлаштириш ҳолатлари кузатилмоқда.

Албатта, ёнғин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолияти ҳамда ҳаётига бевосита дахлдордир. Шу боис юртдошларимиз газ ва маиший электр асбобларидан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларини кўриши, тутун мўрилари, мўриларнинг каллакларини ҳамда вентиляция каналларининг ҳолатини ўз вақтида текширтириши, агарда носозликлар мавжуд бўлса, "1101" ёки "1050" қисқа телефон рақамлари орқали зудлик билан хабар бериши керак.

Ёнғин назорати органлари, бу, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларидир.

Хўш, ёнғиннинг олдини олиш бўйича қандай пуллик хизматлар кўрсатилади?

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва тузилмалари томонидан юридик ҳамда жисмоний шахсларга кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг рўйхатига (рўйхат рақами 3184, 2019 йил 20 сентябрь) асосан, одамларга ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиш, мўриларни тозалаш ва шу каби бошқа хизматлар кўрсатилиши мумкин. Мазкур пуллик хизматлар аҳолининг ихтиёрий мурожаати асосида амалга оширилади. Қонунчиликка кўра, бу каби хизматлар тижорат ҳамда нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам адо этилиши мумкин. Бунда одамларни шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Фирибгарлик жинояти, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш 11 миллион сўмдан 22 миллион сўмгача жарима ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқаролар агар ўзини "ёнғин назорати органи ходими" сифатида таништириб, мажбурий тартибда пул ундириш ҳолатларига дуч келса, ички ишлар ("1002" қисқа рақамига), прокуратура ("1007" қисқа рақамига), адлия органларига ("1008" қисқа рақамига) зудлик билан мурожаат қилиши лозим.



### *Ўзбекистонда совуқ об-ҳаво қачонгача сақланиб туради?*

Бугун кўпчиликни бир савол жуда қизиқтираётгани табиий: мамлакатимизда кеч кузда тушган бундай совуқ об-ҳаво қачонгача сақланиб туради?

"Ўзгидромет" хабарига кўра, 19 — 24 ноябрда Ўзбекистонда ҳарорат ўртача кўп йиллик қийматлардан 10 — 15 даражага паст бўлган совуқ об-ҳаво кузатилади.

Демак, ҳар биримиз изғиринли кунларда эҳтиёткорликни жиддий оширишимиз зарур. Бу иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари мутасаддиларининг ҳам масъулиятини янада кучайтириши аниқ.

Ҳолбуки, қиш эшик қоқмоқда...

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

## Шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро автобус ҳамда йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

**2020 йил 23 декабрь соат 10.00 да**

ВШ-712 «Учқудуқ — Ғиждувон» Учқудуқ томондан
ВШ-714 «Урганч — Бухоро» икки томондан
ВШ-723 «Наманган — Фарғона» икки томондан
ВШ-724 «Қўқон — Наманган» икки томондан
ВШ-725 «Андижон — Қўқон» икки томондан
ВШ-753 «Наманган — Андижон» икки томондан
ВШ-770 «Ғиждувон — Самарқанд» икки томондан
ВШ-778 «Пахтаобод — Тошкент» икки томондан
ВШ-783 «Тошкент — Каттақўрғон» икки томондан
ВШ-787 «Самарқанд — Урганч» икки томондан
ВШ-788 «Тошкент — Гулистон» икки томондан
ВШ-800 «Ангрен — Самарқанд» икки томондан
ВШ-805 «Ўсмат — Самарқанд» икки томондан
ВШ-809 «Зиёдин — Навоий» икки томондан
ВШ-815 «Тошкент — Учқудуқ» икки томондан
ВШ-818 «Тошкент — Шаҳрисабз» икки томондан
ВШ-829 «Булунғур — Ўсмат» икки томондан
ВШ-840 «Тошкент — Фориш» икки томондан
ВШ-845 «Зарафшон — Самарқанд» икки томондан
ВШ-847 «Тошкент — Нурота» икки томондан
ВШ-848 «Самарқанд — Термиз» икки томондан
ВШ-851 «Музработ — Деҳқонобод» Музработ томондан
ВШ-879 «Хатирчи — Тошкент» Хатирчи томондан
ВШ-896 «Учқудуқ — Самарқанд» Учқудуқ томондан
ВШ-915 «Жўш — Арнасой 23 ш/х» икки томондан
ВШ-918 «Урганч — Тўрткўл» икки томондан
ВШ-939 «Ургут — Тошкент» икки томондан
ВШ-945 «Шаҳрисабз — Урганч» икки томондан
ВШ-946 «Муборак — Бухоро» икки томондан
ВШ-970 «Гулистон — Гагарин» икки томондан
ВШ-973 «Пахтаобод — Жиззах» икки томондан
ВШ-978 «Зомин — Пахтаобод» Зомин томондан
ВШ-983 «Зарафшон — Ғиждувон» икки томондан
ВШ-1022 «Тошкент — Денов» икки томондан
ВШ-1026 «Ургут — Урганч» икки томондан
ВШ-1075 «Тошкент — Узун» икки томондан
ВШ-1081 «Тошкент — Қўнғирот» Тошкент томондан
ВШ-1082 «Тошкент — Жарқўрғон» икки томондан
ВШ-1091 «Тошкент — Шеробод» икки томондан
ВШ-1094 «Тошкент — Тўрткўл» икки томондан
ВШ-1098 «Навоий — Ғиждувон» Навоий томондан
ВШ-1108 «Тошкент — Бойсун» Тошкент томондан
ВШ-1111 «Тошкент — Мирбозор» икки томондан
ВШ-1116 «Тўрткўл — Питнак» Тўрткўл томондан
ВШ-1118 «Тўрткўл — Саримой қиш» икки томондан
ВШ-1120 «Пахтаобод — Тошкент» (Узоқов орқали) икки томондан
ВШ-1128 «Тошкент — Чироқчи» икки томондан
ВШ-1129 «Булунғур — Камар қишлоғи» икки томондан
ВШ-1130 «Тошкент — Чимбой» икки томондан
ВШ-1134 «Боёвут — Жўйлангар» икки томондан
ВШ-1142 «Булунғур — Тойпоқсой маҳалласи» икки томондан
ВШ-1144 «Навоий — Бургутча» икки томондан
ВШ-1145 «Навоий — Пахтакор» Навоий томондан
ВШ-1154 «Ховос — Жўйлангар» Ховос томондан
ВШ-1158 «Тупроққалъа — Тўрткўл» икки томондан
ВШ-1160 «Хатирчи — Кадан» икки томондан
ВШ-1161 «Гурлан — Манғит» икки томондан
ВШ-927Т «Қоракўл — Тошкент» Қоракўл томондан
ВШ-1056Т «Тошкент — Хўжайли» Тошкент томондан
ВШ-709-ЙТ «Тошкент — Янгиер» икки томондан
ВШ-732-ЙТ «Қарши — Бухоро» икки томондан
ВШ-734-ЙТ «Қува — Асака» икки томондан
ВШ-735-ЙТ «Шаҳрихон — Қува» Шаҳрихон томондан
ВШ-753-ЙТ «Наманган — Андижон» икки томондан
ВШ-764-ЙТ «Андижон — Фарғона» икки томондан
ВШ-783-ЙТ «Тошкент — Каттақўрғон» икки томондан
ВШ-788-ЙТ «Тошкент — Гулистон» Тошкент томондан
ВШ-809-ЙТ «Навоий — Зиёдин» икки томондан
ВШ-835-ЙТ «Андижон — Марғилон» икки томондан
ВШ-1129-ЙТ «Булунғур — Турон СФУ» Булунғур томондан
ВШ-1132-ЙТ «Урганч — Беруний» Урганч томондан
ВШ-1135-ЙТ «Ширин — Бекобод» икки томондан
ВШ-1149-ЙТ «Навоий — Деҳқонобод» Навоий томондан
ВШ-1150-ЙТ «Наманган — Тошкент» икки томондан
ВШ-1151-ЙТ «Фарғона — Тошкент» икки томондан
ВШ-1152-ЙТ «Қўқон — Тошкент» икки томондан
ВШ-1157-ЙТ «Нукус — Урганч» икки томондан
ВШ-1159-ЙТ «Бешариқ — Тошкент» икки томондан

***Битта пакет билан***

1. ВШ-709 «Тошкент — Янгиер» икки томондан
   ВШ-1033 «Тошкент — Нукус» икки томондан
2. ВШ-841 «Арнасой — Тошкент» икки томондан
   ВШ-1056 «Тошкент — Хўжайли» икки томондан
3. ВШ-1097 «Шофиркон — Тошкент» Шофиркон томондан
   ВШ-824 «Тошкент — Гагарин» икки томондан
4. ВШ-1061 «Тошкент — Манғит» икки томондан
   ВШ-1138 «Тошкент — Қизилтепа» икки томондан
5. ВШ-797-ЙТ «Жиззах — Тошкент» икки томондан
   ВШ-1162-ЙТ «Учтепа даҳаси — Тошкент» икки томондан
   ВШ-745-ЙТ «Пахтакор — Тошкент» икки томондан

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкасига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича Идоралараро комиссия.

**Комиссия манзили:**
*Тошкент шаҳри,*
*Зулфияхоним кўчаси, 3-уй.*

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **Идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 4014108604262773422967279 (банк коди: 00014, СТИР: 201122919)га 1 та пакет учун 50 минг сўм, 2 та пакет учун 75 минг сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир тендер пакети учун 25 минг сўмдан ўтказиб, 2020 йил 18 декабрь куни соат 18.00 гача буюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим.

Қатнашчи тендерда иштирок этишдан воз кечганда, у томонидан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиришда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукаммал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даъвогар тақдим қилаётган тендер таклифлари у томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 1 йилга тузилади.

Шартнома бўйича ишларнинг барча шартига ташувчи томонидан риоя этилган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.



**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини 2020 йил 22 декабрь куни соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг мажлислар зали.

**Маълумот учун телефонлар:**
**71-202-05-00 (182), 71-202-05-00 (139).**

### «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2019 йил 19 ноябрда давлат рўйхатидан ўтказилган (рўйхат рақамлари Р0844-7, Р0844-8) ҳар бири 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм бўлган корпоратив облигацияларнинг муомала муддати тугаганлигини ва ушбу облигациялар 100 (юз) фоиз жойлаштирилмаганини (сотилмаганини) маълум қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси университетнинг рақамли иқтисодиёт факультети декани, иқтисодиёт фанлари доктори Илҳом Алимардоновга отаси

**Музробшоҳ АЛИМАРДОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6